



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 41 (13.374)

Баҳоси эркин нарҳда

2017 йил 28 ФЕВРАЛЬ, СЕШАНБА

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

**ОДАМЛАР ЯХШИ ЯШАШИ УЧУН ЗАРУР
ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ – БАРЧА
РАҚБАРЛАРНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАСИДИР**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий
ислохотлар, кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, йирик лойиҳалар билан яқиндан танишиш,
халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 24-25 февраль кунлари Қашқадарё вилоятида бўлди.**

Давлатимиз раҳбари 24 февраль куни қишлоқ ҳўжа-лигини ривожлантириш, енгил саноат ва энергетика корхоналарини ташкил этиш лойиҳалари билан таниш-ди, янгиланган намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган уй-жойларда бўлиб, одамлар билан дилдан суҳбатлашди. Қашқадарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди. Ушбу тадбирларда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастуридаги мақсад-вазифалар ўз ифодасини топди.

Президентимиз Қашқадарё вилоятига ташрифининг иккинчи кунини Қарши шаҳридаги Гулшан маҳалласида фуқаролар йиғини ходимлари ва профилактика инспектори биргаликда ишлари учун яратилган шароитлар билан танишишдан бошлади.

Маҳаллаларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсири бугунги кунда ортиб бормоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини такомиллаштириш, унинг вазифа ва ваколатларини кенгайтириш, одамлар ҳаётидаги ролини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2017 йил 3 февралдаги "Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Қарши шаҳрида ҳам маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолияти самарадорлигини ошириш, улар учун замонавий шароит яратиш борисида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда "Гулшан" маҳалла фуқаролар йиғинининг янги биноси фойдаланишга топширилгани бунинг далилидир.

Маҳалла идорасининг замонавий биносида барча шароит яратилган. Маҳалла раиси, котиб, маслаҳатчилар, профилактика инспектори учун алоҳида хоналар ажратилиб, компьютер, мебель, тегишли адабиётлар билан таъминланган. Профилактика инспектори хонаси маҳалла ҳудуддаги жамоат жойларига ўрнатилган видеокузатув ускуналари орқали ҳудудни назорат қилиб туриш имкониятини берувчи монитор билан жиҳозланган.

Маҳалла жамиятимиздаги адолат тамойилларининг кўзгусига айланиши керак, деди давлатимиз раҳбари. Бу ер одамлар келиб фикрини, таклифини, дардини айтидиган, муаммосига ечим топадиган жой бўлиши лозим. Маҳалла раиси ва профилактика инспектори ҳудуддаги ҳар бир оиланинг аҳолидан хабардор бўлиши, ким нима билан машғул – ҳаммасини билиши даркор. Ушбу тизимда амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган асосий мақсад маҳаллани кечаю кундуз одамларнинг аҳолидан хабардор бўладиган масканга айлантиришдир.

"Гулшан" маҳалласи Қарши шаҳридаги намунали маҳаллалардан. Ҳар йили мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган маҳалла ҳудудда жамоат тартиби ва ҳавфсизлигини таъминлашда фуқаролар йиғини раиси ва ходимлари профилактика инспектори билан биргаликда иш олиб боради. Президентимиз ташаббуси билан ҳафтанинг пайшанба куни "Профилактика куни" деб белгилангани бу йўналишдаги чора-тадбирларни изчил амалга ошириш, маҳалла ҳудудда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши курашиш, унинг олдини олишда муҳим омил бўлмоқда.

Президентимиз фуқаролар йиғинлари ва профилактика инспекторлари бирга ишлайдиган янги тизим яратиш зарурлигини қайд этди. Шаҳардаги барча милиция таянч пунктларини бир-бири билан боғловчи оп-

тик толали тизим барпо этиш бўйича мутасаддиларга топшириқ берилди.

"Гулшан" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда профилактика инспектори оиласи билан яшаши учун турар-жой барпо этилган. Давлатимиз раҳбари ушбу хонадонда яратилган шароитлар билан танишди.

Бундай уйлар профилактика нозирларининг кечаю кундуз ўз ҳудудда бўлиб, маҳаллада жиноятчиликнинг олдини олиш, фуқаролар оқолиштирилиши ва ҳавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга, деди Президентимиз. Шунинг учун Қарши шаҳрида фаолият кўрсатаётган барча профилактика инспекторларига мана шундай уйлар қуриб бериш зарур. Бу ҳудудда жиноят ва ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз Қарши шаҳридаги Алишер Навоий номидаги истироҳат боғида амалга оширилаётган реконструкция ишлари билан танишди.

"Асинза-БЗ" масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилаётган, қиймати 8,7 миллиард сўмни ташкил этадиган маданият ва истироҳат боғида шаҳар аҳолиси, айниқса, болажонлар бўш вақтини мазмунли ўтказиши ва мириқиб дам олиши учун барча қулайлик муҳайё қилинади. Хитойнинг "Zhengzhou Beston Amusement Equipment Co. Ltd." компаниясида ишлаб чиқариладиган замонавий аттракционлар олиб келиб ўрнатиш, замон талаблари асосида спорт ва болалар майдончалари қуриш режалаштирилмоқда.

Асосий мақсадимиз – халқимизни рози қилиш, одамларнинг фаровон яшаши учун барча имкониятларни яратишдир, деди Шавкат Мирзиёев. Одамлар бўш вақтида бу ерга келиб мароқли дам олса, фарзандлари, набираларининг қувончини кўрса, қулғуларини эшитса, ҳаётдан кўнгли тўлади, руҳи кўтарилиб, янги-янги марраларга интилади.

(Давоми 2-бетда)

Ўлкамизда баҳор нафаси

ШАҲРИМИЗ ЯНАДА ОБОД БЎЛСИН!

**Жаннатмакон ўлкамизга файз-таровати,
зебу зийнати билан баҳор фасли эшик
қоқмоқда. Тез орада табиат яшиллик
оламига бурканади. Яшариш ва
янгиланиш фаслининг гултожи бўлган
Наврўзи олам ҳам тобора яқинлашмоқда.**



Азизлар, кўлам она табиатнинг бетакорор мўъжизаси эканлигидан келиб чиқиб, пойтахтимизни бундан-да жозибали ва фусункор қилиш мақсадида мева-мевали ҳамда манзарали дарахт кўчатларини экиш, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш баҳор мавсумининг асосий вазифаларидан бири эканлигини ёддан чиқармайлик.

Обод масканларни қуриб дилинг шод бўлса, яшил ҳудудлар эстетик ва соғломлаштириш вазифаларини бажаради.

Маҳаллаларда, корхона, ташкилот, муассасалар, ўқув масканларида халқимизга хос эзгу қадрият ҳисобланмиш хашарлар уюштириб, ҳамжихатликда ободонлаштириш, оросталаш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга оширсак азим шаҳримиз янада чирой очади, унинг ҳусни бундан-да файзли-тароватли бўлади.

Таъкидлаш жоизки, ота-боболаримиз азал-азалдан баҳор фаслининг зийнати ҳисобланмиш Наврўзи олам арафасида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратиб келишган.

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Барчамиз ўзимиз истиқомат қилаётган турар жойларимиз атрофи, маҳаллаларимиз, йўл ва йўлаклар, гузарлар, хиёбонлар, мулкчилик шаклидан қатъи назар дўконлар, корхона, ташкилот ва муассасалар, зиёратгоҳлар, каналлар, зовурлар, ариқлар, оқава сув йўллари ҳамда болалар майдончаларини ҳамкорликда янада кўркам ва обод этайлик, турфа дарахтлар кўчатларини ўтказиб, гулу чечакларга бурқайлик. Бу ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

**Президентимиз Шавкат Мирзиёев
томонидан аҳолининг турмуш
даражасини янада яхшилаш,
фаровонлигини ошириш, уларни
замонавий уй-жойлар билан таъминлаш
масаласи давлат сиёсатининг муҳим
йўналиши этиб белгиланган. Ушбу
вазифалардан келиб чиқиб,
мамлакатимизнинг барча ҳудудларида
намунавий лойиҳалар асосида уй-
жойлар барпо этиш борасидаги ишлар
кўлами кенгаймоқда.**

АҲОЛИНИ УЙ-ЖОЙ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ – УСТУВОР ВАЗИФА

Иқтисодиёт вазирлигида ташкил этилган анжуманда шулар ҳусусида сўз борди.

– Кейинги йилларда мамлакатимизда қишлоқ аҳоли пунктларининг меъморий қиёфасини яхшилаш, намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибда уй-жойлар қуриш ҳисоби-га қишлоқ аҳолисининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, қишлоқда муҳандислик ва транспорт коммуникацияларини, ижтимоий инфратузилма объектларини жадал ривожлантириш бўйича кенг кўлам-

ли ишлар амалга оширилди, – дейди Иқтисодиёт вазирлиги бўлим бошлиғи Ғ.Жамолов. – 2009-2016 йилларда қишлоқ жойларда 1 минг 308 турар жой массивида умумий майдони 9 миллион 573 минг квадрат метр бўлган 69 минг 557 уй-жой қурилди. Қишлоқлардаги 83,5 мингдан ортиқ оиланинг яшаш шароити яхшиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 21 октябрдаги "2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган наму-

навий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқди. Мазкур қарор ижроси қишлоқ аҳолисининг кенг қатламлари учун замонавий ва шинам уйлардан фойдаланиш даражасини тубдан оширишга, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш таъминлашга ва қишлоқ жойларда яқка тартибда уй-жой қурилиш ишларида қишлоқ жойларда янгиланган наму-

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

ИНСОНЛАРНИНГ ДАРДУ ТАШВИШЛАРИНИ ЎЙЛАБ ЯШАШ – ОДАМИЙЛИКНИНГ ЭНГ ОЛИЙ МЕЗОНИДИР

**Президентимиз Шавкат Мирзиёев
раҳбарлигида мамлакатимизда халқ
билан мулоқот қилиш ва
муружаатлар билан ишлаш бўйича
янги тизимга асос солинди.**

Инсон ҳаётга бир марта келади, бахтли яшашни истайди ва унинг бунга тўла ҳаққи бор. Халқимизнинг ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги эзгу саъй-ҳаракатларидан кўзланган мақсад-муддао ҳам аслида шу: бугунги кунимиз кечагидан, эртаимиз бугунги кунимиздан кўра бахтли ва фаровон бўлишига эришиш. Ана шундай улуг ва хайрли мақсадларимизнинг рўёбга чиқиши кўп омил ва мезонларга боғлиқ. Аммо уларнинг ичида ҳаётимизда адолатни қарор топтириш энг зарурий шарт ҳисобланади. Зотан, ижтимоий адолат таъминланган давлатда халқнинг бунёдкорлик салоҳияти, яратувчанликка интилиши ва иштиёқи ҳосил бераверади.

Шу маънода мустақил Ватанимиз тарихида, халқимиз ҳаётида яна бир янги давр, янги тараққиёт босқичи бошланди, дейишга барча асосимиз бор. Стратегик мақсадларимиз аниқ ва равшан – демократик, инсонпарвар давлат қуриш, эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш, Ватанимиз иқтисодий қудратини юксалтириш, пировардида, халқимизни ҳаётдан рози қилиш, унинг янада фаровон яшаши учун барча шарт-шароитни яратиш. Бундай юксак марраларга халқ билан мулоқот қилиб, одамларнинг ичига кириш, уларнинг дарду ташвишлари билан яшаш, инсон манфаатларини таъминлаш орқалигина эришиш мумкин.

Бинобарин, Президентимиз Шавкат Мирзиёев халқ билан фаол ва очик мулоқот олиб бориш, жисмоний ва юридик шахслар муружаатлари билан ишлаш борасида асос солган янги тизим – Халқ қабулхоналари институти ижтимоий адолатни таъминлаш борасида ўзбекна ҳаёт фалсафаси ва миллий давлатчилик мактабига хос барҳаёт анъаналарнинг янги тараққиёт босқичи бўлиш билан бирга, мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш йўлидаги стратегик мақсадларга эришишнинг қудратли воситасига айланмоқда.

Кенгашли тўй тарқамас

Халқимизда эзгу бир анъана бор: ҳар қандай ишни бошлашдан аввал маслаҳат қилинади. Бунда қайвонию кексалардан, ёшлардан ҳам фикр сўралади. Турли мулоҳазалар тингланади, муносабатлар ҳисобга олинади. Ҳар бир қараш, таклиф чуқур муҳокама қилинади – дўппини бошдан олиб қўйиб, атрофлича кенгашилади. Ақл – тарози, кўнгил қози бўлади: қўриладиган тадбирнинг фойдаси ва зарари тарозига қўйилиб, обдон тортилади. Ақлли тадбирлар тақдирга мос келади: энг тўғри қарор, адолатли ечим ана шундай муҳокамалар асосида танланади. Бу – ҳақиқат баҳсларда туғилади, дегани.

Бундай қадриятлар йўқ жойдан ўз-ўзича пайдо бўлиб қолмаган, албатта. Зеро, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг тафаккури, турмуш тарзи, маънавий қадриятлари аниқ табиий, тарихий ва ижтимоий омиллар неғизидан вужудга келади, ривож топади. Шу маънода жамоа бўлиб яшаш туйғуси халқимиз учун умр қондасига айланиб кетгани бежиз эмас. Яъни, заминимизда истиқомат қиладиган одамларнинг бир оила, бир маҳалла, бир халқ бўлиб яшаш объектив зарурат – табиатнинг ўзи, ҳаётнинг ўзи бизни шу руҳда тарбиялаган.

Бундай ҳаёт тарзи, табиийки, ўзаро мулоқотга, мулоқот эса қизгин муҳокама – кенгашга, ҳар бир масалада адолатли ва оқилона ҳукмга йўл очади. Халқимиз бундай қадриятларга асосланиб, аввало, ижтимоий адолатга интилиб келган.

(Давоми 3-бетда)




САМАРҚАНДА ТДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАР-МОНЛАР ҲАРАКАТИ – ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕРЛАРИ КЕНГАШИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН "ЁШ ФЕРМЕР" ҚҮРИК-ТАНЛОВНИНГ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИ БЎЛИБ ЎТДИ.

● Андижон вилояти Асака туманида ўтказилган меҳнат ярмаркасида 75 корхона, ташкилот, муассаса ва фермер хўжалиги бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Туман ҳокимлиги, прокуратураси ҳамда бандликка

кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда 500 дан зиёд фуқаро қатнашди. Таъкидлаш жоизки, ишга жойлашиш учун йўлланма олганларнинг аксарияти касб-хўнажар коллежи битирувчиларидир.

● Навоий вилоятида ўтган йили деҳқон ва шахсий ёрдамчи хўжаликлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан 237 асаларичилик хўжалиги ташкил этилиб, улар сони 717 тага етди. Асаларичилар томонидан 2016 йилда 1000 тоннадан зиёд табиий, шиғобохш ва арзон асал етиштирилди.



● Токиода 2020 йилда ўтадиган ёзги Олимпиада учун медаллар эски мобил қурилмалардан олинадиган олтин, кумуш ва бронза элементларидан тайёрланади. Шу мақсадда Японияда эски гаджетни олиб келиб, медалларни тайёрлаш учун қайта ишлашга топ-

шириш мумкин бўлган махсус қутилар ўрнатилди. Акциянинг биринчи кунини юздан кўпроқ одам ўзларининг керакмас қурилмаларини топширишган. Бу лойиҳадан мақсад Олимпиада ўйинларини ўтказишга харажатларни қисқартириш ҳисобланади.

● Бразилияда оламга машҳур анъанавий карнавал бўлиб ўтмоқда. Тадбир ўтаётган шаҳар кўчаларини ғайритабиий либосларга бурканган юз минглаб иштирокчилар қамраб олган бўлиб, миллий ракс ҳисобланмиш самбанинг 12 та мактаби вакиллари карнавал голиблигини қўлга киритиш учун ўз маҳоратларини намойиш этишмоқда. 4 мартда голиблар паради бўлиб ўтади.

● Шимолий Американинг Нью-Йорк шаҳрида ўйинчоқларнинг анъанавий кўргазма-ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда намойиш этилган замонавий электроника воситаларидан фойдаланган ҳолда яратилган ўйинчоқлар орасида айниқса голограмма шаклидаги Барби кўғирчоғи алоҳида ўрин тутди.

ОДАМЛАР ЯХШИ ЯШАШИ УЧУН ЗАРУР ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ – БАРЧА РАЎБАРЛАРНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАСИДИР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимиз боғда яшил майса-зорларни кўпайтириш, турфа гул ва манзарали дарахтлар экиш, бу ерга ташриф буюрувчилар учун барча шароитлар яратиш бўйича зарур кўрсатмалар берди.

Давлатимиз раҳбари Қарши шаҳридаги илгариги "Насаф" стадиони ҳудудига барпо этилаётган замонавий сузиш ҳавзаси ва дам олиш мажмуаси лойиҳаси билан танишди.

25х11 метр ўлчамдаги иккита сузиш ҳавзаси ҳудудда сув спорти турларини янада оммалаштириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, келажакда жаҳон ва Олимпия чемпионоларини тарбиялашга хизмат қилади.

Бу ерда яратиладиган замонавий шароитлар барчага манзур бўлиши мумкин. Сувни тозалаш, иситиш, ҳароратни мўтадил сақлаш ускуналари ўрнатилган бассейнлар бу ерга келувчиларнинг сузиш маҳоратини ошириш, соғлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ёшларимизнинг баркамол ўсиб-ўлғайиши учун барча шароитларни яратишимиз керак, деди Президентимиз Шавкат Мирзиёев. Шунда улар Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек, биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлади.

Мажмуани жиҳозлашда илгор ва тежамкор технологиялардан самарали фойдаланиш, кийинги, ювенил хоналарига барча қулайликларни яратиш бўйича зарур топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари Жайхун кўчасида қурилаётган 5 қаватли замонавий турар жой бинолари лойиҳаси билан танишди. Ушбу кўчада аҳоли учун 25 та ана шундай кўп қаватли уй барпо этилади. Ҳудудда давр талаблари асосида фаолият юритадиган рестороанлар, супермаркетлар, иссиқ нон ва озиқ-овқат дўконлари, кафе ва чойхоналар, гузаллик салонлари, сартарошхона ва автомобиллар турадиган жой қуриш режалаштирилган.

Шавкат Мирзиёев Қарши туманида барпо этиладиган маиший чикиндиларни қайта ишлаш заводи лойиҳасини кўздан кечирди.

"Universal max service" масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилаётган лойиҳанинг умумий қиймати 4 миллион доллардан иборат. Корхонада замонавий технологиялар асосида йилга 180 минг тонна чикиндини йиғиш, саралаш ва қайта ишлаш йўлга қўйилади. Бугунги кунда дастгоҳлар со-

тиб олиш бўйича шартномалар тузиш, лойиҳанинг техник-иқтисодий асосларини тайёрлаш ишлари олиб борилмоқда.

Чикиндиларни қайта ишлаш аτροφ-муҳит мусавволигини таъминлаш ва ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришда муҳим омилдир, деди Президентимиз. Бу шаҳардаги санитария ҳолатини янада яхшилашда, аҳолининг саломатлигини муҳофаза қилиш ва бандлигини оширишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз "Қашқадарё доридармон" акциядорлик жамияти томонидан Буюк Британиянинг "Rodex Trading Limited" компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилаётган кўкун шаклидаги антибиотик дори воситалари ишлаб чиқариш лойиҳаси билан танишди.

Қиймати 5 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган ушбу лойиҳага кўра клафоран, цефотекс, гентомицин, цефазолин, цефотаксим ва бошқа турдаги дори воситаларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Давлатимиз раҳбари доривор ўсимликларни қайта ишлаш, тиббий мойлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаларини кўздан кечирди.

Қашқадарё воҳасининг пурвиқор тоғлари, бепоев қири адирилариди шифобахш гиёҳлар, бута ва дарахтлар сероб, деди Президентимиз. Уларни қайта ишлаш асосида доридармон воситалари ишлаб чиқариш ҳар жиҳатдан самарали ва истиқболдир. Соҳада ҳар бир тадбиркорга зарур имтиёз ва қулайликлар яратиш лозимлиги қайд этилди.

Лойиҳада тирноқгул, зубтурум, ошқовоқ уруғи, тоғ райхони, наъматак, кийик ўт, далайчи, мойчек ва каби ўсимликлардан доривор қишлар, бодом, канакунжот, шафтоли, зигир, седана, ўрик, маврак сингари бута ва дарахт мева-ларидан шифобахш мойлар ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. Лойиҳани амалга ошириш натижасида юзга яқин иш ўринлари яратилади.

Президентимиз Қарши шаҳрида электроника маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси билан танишди. Бу ерда йилга TCL бренди остида 25 минг дона замонавий телевизор, 15 минг "Samsung" чангпютичи, 100 мингдан ортиқ розетка ва электр узатки маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Махсулот нархини арзонлаштириш ва уларни экспортга йўналтириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, корхона фаолиятига коллеж битирувчиларини жалб этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари Қарши шаҳрида қурилаётган Республика иқтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда Республика иқтисослаштирилган кардиология маркази Қарши филиаллари лойиҳалари тақдимотида ҳам иштирок этди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширишимиз зарур бўлган ишларимиз кўп. Иқтисослаштирилган тиббиёт марказлари фаолиятида ҳам ечимини кутаётган масалалар анчагина. Мавжуд марказлар филиалларини вилоятларда ташкил этиш билан кўплаб масалаларга ечим топиш мумкин, деди Президентимиз.

Аҳолига эндокринология соҳасида профилактика, диагностика ва даволаш ёрдами кўрсатишнинг замонавий тизими яратилгани халқимиз саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилаётди. Соҳага илгор илм-фан ютуқлари жорий қилинаётгани натижасида гипотиз бези, қалқонсимон без хасталиклари, қандли диабет асоратлари тўғрисида келиб чиқадиган буйрак етишмовчиликлари ва бошқа оғир хасталиклар самарали даволанмоқда.

Республика иқтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг 150 ўринли Қарши филиалида йилга 700-800 жарроҳлик амалиёти ўтказилиши кўзда тутилмоқда. Диабетик нефропатия, умумий эндокринология ва диабетология, қалқонсимон без ва диабетик тўпиқ жарроҳлиги каби бўлимларни ўз ичига олган марказ энг сўнгги русумдаги тиббий ускуналар билан жиҳозланади.

Республика иқтисослаштирилган кардиология маркази Қарши филиалида клиник-биохимик лаборатория, автоклав, поликлиника, рентген-эндоскопия жарроҳлик бўлими, аритмология, артериал-гипертензия, юрак ишемик касалликлари, реабилитация, кардиофармакология бўлимлари ташкил этилади. 120 ўринли филиал жорий йилнинг декабрь ойида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Президентимиз мазкур лойиҳалар билан танишар экан, бу филиалларнинг ташкил этилишидан мақсад аҳолига янада кўпроқ қулайлик яратиш, уларнинг соғлигини ишончли ҳимоя қилиш эканини алоҳида таъкидлади. Тиббиёт ходимлари беморнинг келишини кутиши керак эмас, аҳоли орасида юриб профилактика ва тиббий маданиятни ошириш, касалликнинг олдини олиш билан шугулланиши лозим.

Давлатимиз раҳбари Қашқадарё вилояти юқумли касалликлар шифохонасининг янги биноси лойиҳаси билан танишди.

Бугунги кунда мазкур шифохона 1990-йилларда қурилган бинода жойлашган бўлиб, бу аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишда бир қанча ноқулайликлар келтириб чиқармоқда. Энг сўнгги русумдаги тиббий ускуналар билан жиҳозланадиган шифохонада вирусли гепатитнинг олдини олиш, диагностика ва даволаш ишлари олиб борилади.

Вилоятда поликлиникалар, туман тиббиёт бирлашмалари фаолиятини такомиллаштириш, тез тиббий ёрдам хизматларини янгидан ташкил қилиш, қишлоқ врачлик пунктларини оптималлаштириш, тиббиётнинг турли йўналишлари бўйича марказлар ташкил этиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон халқ шoirи, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов хайкали, Абул-Муъйин Насафий зиёратгоҳи реконструкцияси лойиҳалари билан танишди.

Абдулла Орипов ўзбек адабиётини янги босқичга кўтарган нодир истеъод соҳиби эди. Унинг юксак бадиий, теарнал фалсафий шеърлари халқимиз кўнглидан чуқур жой олган. Драматик ва публицистик асарлари, дoston ва таржималари адабиётимиз ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилган.

Абдулла Орипов Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясининг муаллифи сифатида халқимиз қалбига мангу яшайди. Қаҳрамон шoirимизнинг хайкали Қарши шаҳридаги Ўзбекистон кўчасида бунёд этилади. Бу ёшлар учун фахр ва гурур тimsоли, маънавий тарбия манбаи бўлиб хизмат қилади.

Президентимиз хайкал лойиҳасини такомиллаштириш, бу ерда Абдулла Орипов мактаби ва музейини ташкил этиш зарурлигини таъкидлади.

Абул-Муъйин Насафий XI асрда яшган, ислон маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган алломалардан биридир. Буюк бобомизнинг илмий асарлари бугунги кун учун ҳам гоят аҳамиятлидир.

Давлатимиз раҳбари бу қадамжони кенг ва обод зиёратгоҳга айлантириш, зиёратчиларга зарур шароитлар яратиш, бу масканда кутубхона ташкил этиш, аллома асарларини таржима қилиб, халқимизга етказиш бўйича тавсиялар берди.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қашқадарё вилоятидаги Халқ қабулхонасини бориб кўрди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Қашқадарёга ташрифи, одамлар билан самимий мулоқотлар воҳа халқига катта хурсандчилик бағишлади, белгилаб берилган ушбу бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар вилоят ривожини янги босқичга кўтаради.

ЎЗА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
МАЖЛИСИ ҲУЗУРИДАГИ ЖАМОАТ
ФОНДИ "МАМЛАКАТДА РЎЙ
БЕРАЁТГАН ДЕМОКРАТИК
ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АНИҚ
НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДА МИЛЛИЙ ВА
ХОРИЖИЙ АУДИТОРИЯНИНГ
ХАБАРДОРЛИГИНИ ОШИРИШ, СЎЗ
ЭРКИНЛИГИНИ ВА АХБОРОТ ОЛИШНИ,
ОАВНИ ЯНАДА ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШНИ
ТАЪМИНЛАШГА КЎМАКЛАШИШ"
МАВЗУИДА**

ДАВЛАТ ГРАНТЛАРИ АЖРАТИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга нодавлат нотиқорат ташкилотлари, омавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги мақсадларни назарда тутиб ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа буюртмаономалари қабул қилинади:

1. Мамлакатимиз Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган янги қонунлар, Президентимиз ва Ҳукуматнинг фармонлари ва қарорлари асосий жиҳатларини аҳолига етказишнинг самарали инновацион механизмларини яратиш ва омавий ахборот воситаларида жорий қилиш;

2. Қонунларнинг таъсир даражаси ва аҳоли билан мулоқот янги усулларини, ижтимоий муносабатларни бевосита тартибга солишдаги ролини ёритишнинг инновацион механизмларини омавий ахборот воситалари фаолиятига татбиқ этиш;

3. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари фаолияти очкичилигини ва ошқорчилигини таъминлаш борасидаги ишларда омавий ахборот воситалари фаолиятини кучайтириш;

4. Қонун лойиҳаларининг эксперт муҳокамасини омавий ахборот воситаларида ташкил этиш, жумладан, махсус теле ва радио кўрсатув ва эштитиришлар уюштириш, интернет ва босма мақолалар чоп этиш ва бошқалар;

5. Иқтисодий, молиявий, ижтимоий соҳаларда, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий фаолиятини оширишга қаратилган материалларни тайёрлаш ва омавий ахборот воситаларида чоп этиш;

6. Ўзбекистоннинг тарихи, маданияти ва санъати, буюк шахслари, республикамизнинг турли соҳаларида демократик ислохотларнинг замонавий босқичида эришилган ютуқлар тўғрисидаги маълумотларни чет тилларда тайёрлаш ва интернет тармоғининг махсус манбаларида жойлаштириш;

7. Ўзбекистоннинг туристик, маданий-тарихий, гастрономик, экотуристик салоҳияти, шунингдек, ижтимоий инфратузилмаси тўғрисида ахборот ва таҳлилий маълумотларни чет тилларда кенг ёритишнинг янги усулларини хорижда жорий этиш, Ўзбекистонга хорижий сайёҳларни жалб этишга кўмаклашиш;

8. Ўзбекистон ва мамлакатимиз ҳудудларининг иқтисодий, ижтимоий ва инсон салоҳияти ҳақида таҳлилий маълумотларни, роликларни ва бошқа маълумотларни тайёрлаш ва эфирга узатиш, уларни миллий ва хорижий еткази омавий ахборот воситаларининг сайтларида жойлаштириш;

9. Ҳомаёб ресурсларини қайта ишлаш, қишлоқ жойларида илгор технологияларни ва юқори интеллектуал соҳага эга ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқишни жорий этиш соҳаларида хорижий давлатларнинг реал инвестицияларини жалб этиш учун яратилган шарт-шароитлар ва имкониётлар тўғрисидаги ахборотларни хорижда кенг тарқатиш;

10. Замонавий Ўзбекистоннинг тинчлик ва барқарорликни, фуқаролар тотувлигини таъминлаш борасидаги ютуқлари, мамлакатдаги барикенглик таъминлиги, тарихий ва маданий мерос, аҳолининг урф-одатлари ва қадриятлари тўғрисида ахборот, таҳлилий материаллар ва янгиликлар билан таъминлаш ҳамда уларни миллий ва хорижий медиа манбаларида тарқатиш;

11. Ўзбекистонда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, барқарор ривожланиётган жамиятнинг негизи бўлиши оила институтини мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган материалларни хорижий ва миллий омавий ахборот воситаларида чоп этиш;

12. Соғлом фарзандлар дунёга келишининг муҳим омилли сифатида аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, болаларнинг туғма касалликлар ва нуқсонлар билан дунёга келишининг олдини олиш ва профилактикасига бағишланган материаллар тайёрлаш ҳамда миллий ва хорижий омавий ахборот воситаларида чоп этиш;

13. Ёшлар тўғрисидаги давлат сиёсатининг амалга оширилиши, ёш авлодининг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш чора-тадбирлари, ёшлар орасида китоб ўқиш маданиятини шакллантириш ва аҳоли кенг қатламлари ўртасида тарғиб этиш борасида материаллар тайёрлаш ва омавий ахборот воситаларида ёритиш;

14. Атроф-муҳитни асраш, ҳудудлардаги ноёб турдаги ўсимликлар, ҳайвонлар ва қўшларни муҳофаза қилиш ҳамда экология соҳасида ижтимоий муҳим лойиҳаларни амалга ошираётган ННТлар фаолиятини ОАВда ёритишни кучайтириш ҳамда экологик журналистикани ривожлантириш;

15. Мамлакат ҳудудларининг турли соҳаларида эришган ютуқларини ва салоҳиятини, амалга оширилаётган ислохотлар натижаларини кенг ёритиладиган интернет сайтларини яратиш ва интернет омавий ахборот воситаларини ривожлантириш;

16. Жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, санитария-эпидемиология назорати марказлари ҳамда бошқа манфаатдор давлат ташкилотлари билан ҳамкорликда обод маҳаллаларнинг илгор амалиётини ўрганиш ва уларнинг ютуқларини бошқа маҳаллаларга тарғиб этиш, "Экологик ўрناк маҳалла" танловини ўтказиш;

17. Ижтимоий етимликнинг олдини олиш, алоҳида эҳтиёжманд болаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг мослашуви ва бўш вақтини сифатли ташкил этиш, турли хилдаги спорт турларига, фан, маданият ва таъсирий санъатга жалб этиш;

18. Болалар уйларида ота-она қаровисиз қолган етим кўз болаларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларда ҳатий кўникмаларни шакллантиришга оид тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш.

Давлат гранти ажратилиши учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:

1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган қузуатув хати;

2. www.fundngo.uz веб-сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза;

3. Охириги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг Низомини нуҳаси;

4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нуҳаси;

5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нуҳаси тақдим этилади.

6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг илтимосномалари, тавсия хатлари илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори – 25 миллион сўмгача.

Ҳужжатлар 2017 йил 27 февралдан 3 апрелгача қабул қилинади.

Ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондини номига "Ўзбекистон почтаси" орқали юборилган мурланган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шoҳ кўчаси, 1-уй.

Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.



АҲОЛИНИ УЙ-ЖОЙ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ – УСТУВОР ВАЗИФА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Дастурда қишлоқ жойларда нарх параметрлари ва шинамлиги кўра яқна тартибдаги уй-жойлар намуналарининг учта энг арзон турларини қўшимча равишда барпо этиш назарда тутилган.

Агар 2009 йилда қабул қилинган Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқна тартибда уй-жойлар қуриш дастурига кўра уй қурувчининг дастлабки бадалли 25 фоизни ташкил этган бўлса, янги дастур бўйича бадал биринчи ва иккинчи турдаги уйлари қурувчилар учун 15 фоиздан иборат бўлади. Бу арзон уйлар дастури қишлоқ аҳолисининг кенг қатламини жалб этишда муҳим омил бўлади.

Дастурда 2017 йилда 15 мингта янги уй ва квартира, жумладан, 4 минг 608 биринчи турдаги, 3 минг 739 иккинчи турдаги, 3 минг 672 учинчи турдаги уйни ҳамда 0,06 гектар майдонли 3, 4 ва 5 хонали 2 минг 981 та бир қаватли уй қуриш назарда тутилган.

Тадбир давомидида давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 22 ноябрдаги "2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартиралы уй-жойлар қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳусусида ҳам сўз юритилди.

Мазкур қарордан мақсад – шаҳарда яшаётган аҳолини, шу жумладан, ёш оилалар, эскирган уй-жойларда яшаётган ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган бошқа тоифадаги фуқароларни арзон, қулай, замонавий уй-жойлар билан таъминлаш йўли билан уларнинг турмуш даражасини янада ошириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг кучайтиришдан иборат.

Қарорга мувофиқ 2017-2020 йилларда шаҳарларда 945 кўп квартиралы уй-жой қурилиши режалаштирилган. 2017 йилда 191 кўп квартиралы уй қурилиши белгиланган ҳамда шу кўнларда уларни қуриш ишлари бошлаб юборилган. Шундан 102 таси Тошкент шаҳрида бунёд этилади.

Кўп хонадонли уйлар мамлакатимизда ишлаб чиқарилган замонавий қурилиш материаллари асосида барпо этилади. Уйларда яшовчилар учун дам олиш жойлари, болалар майдончалари, автомобиль туриш жойлари, чикинди йиғиш пунктлари қурилиши режалаштирилган. Ҳудуд ободлиги таъминланади.

Тадбирда тижорат банклари мутасаддилари намунавий лойиҳадаги уй-жойлар ҳамда кўп хонадонли уйлар қурилишида банклар томонидан амалга оширилаётган ишлар, яратилган имкониётлар, ажратилган кредитлар ҳусусида ахборот берди.

Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

**НУРИЛЛО НАСРИЕВ,
ЎЗА мухбири**

Республикаимизда иқтисодий муносабатларни либераллаштириш ва кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётнинг тармоқларини ривожлантиришга қаратилган қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинмоқда.

СОЛИҚ СТАВКАЛАРИ ВА ИМТИЁЗЛАР

Президентимизнинг 2016 йил 27 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроекономик кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджетни параметрлари тўғрисида"ги Қарорида солиқ имтиёзлари қўламини кенгайтиришга ва солиқ солиш механизмининг соддалаштиришга, солиқ маъмуричилигини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Жумладан, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида фаолият юритувчи юридик шахсларни фойда ва ягона солиқ тўлови тўлашдан озод этиш тарзидаги солиқ имтиёзларининг 12 та фаолият тури бўйича, шундан 4 таси республиканинг барча ҳудудларида ва 8 таси қишлоқ жойларда амалга оширувчилар учун 2020 йил 1 январгача татбиқ этилиши белгиланди.

Шунингдек, миллий реестрга киритилган дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқувчилар учун барча турдаги солиқлик ҳамда Республика йўл ҳамғармасига ва умумтаълим мактаблари, касб-хўна қоллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш ҳамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этиш тарзидаги имтиёзларнинг мўддатини 2020 йил 1 январгача узайтирилди. Бозорлар балансида бўлган автомобилларни вақтинча сақлаш жойларидан олинмадиган қатъий белгиланган солиқ ставкалари 2 бараварга камайтирилди.

Мазкур қарорга кўра, асосий солиқ турлари бўйича ставкалар 2017 йилда ҳам 2016 йил даражасида сақлаб қолинди. Жумладан, юридик шахсларнинг фойда солиғи 7,5 фоиз, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи 8 фоиз миқдориди белгиланди.

Экспорт қилувчи корхоналар учун фойда солиғи, ягона солиқ тўлови ва мол-мулк солиғини регрессив ставкасини қўллаш тартиби, яъни экспорт улуши сотишнинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгача бўлганда, белгиланган ставканинг 30 фоизга, 30 фоиз ва ундан кўп бўлганда, 50 фоизга пасайтирилиши сақланиб қолинди.

Шунингдек, мобил алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) учун рентабеллик даражасидан келиб чиқиб фойда солиғи ставкалари ҳам 2016 йил даражасида сақлаб қолинди. Рентабеллик даражаси 20 фоизгача – 7,5 фоиз миқдориди, рентабеллик даражаси 20 фоиздан юқори бўлган фойда суммасига – 50 фоиз миқдориди белгиланди.

Рентабеллик

2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

ИНСОНЛАРНИНГ ДАРДУ ТАШВИШЛАРИНИ ЎЙЛАБ ЯШАШ – ОДАМИЙЛИКНИНГ ЭНГ ОЛИЙ МЕЗОНИДИР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Куч – адолатда

Сохибқирон бобомиз Амир Темур куч-қудрат адолат, ҳамжихатлик ва ҳамкорликда мужассам эканини англаб-англаб яшаган. У зотининг давлат муҳрида битилган **“Куч – адолатда”** ҳикмати ҳақиқатпарварлик ва ростлик инсон кучига куч қўйиши, ўз навбатида, кучли шахс ҳамиша ҳаққий бўлишини англатади.

“Одавий эрсанг, демагил одами, ониким, йўқ халқ гамидин гами” ҳикмати ҳаёт қоидадига айлантирган Алишер Навоий ҳам, **“Бори элга яхшилик қил-ғилки, мундин яхши йўқ”**, дея тақдир ва тадбирни бирлаштирган Захириддин Муҳаммад Бобур ҳам оддий одамлар билан доимий мулоқот қилиб, уларни қийнаётган муаммоларни ҳал этишни олий мақсад, ҳаёт мазмуни, деб билган. Бу борада нечача авлодларга ўрнатилган ва ибрат бўларли буюк мерос қолдирган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев асос солган халқ билан мулоқот, мурожаатлар билан ишлаш бўйича янги тизим, Халқ қабулхоналари институти ўзбек давлатчилик мактабига мансуб адолатпарварлик, ҳақиқатни амалда таъминлаш борасидаги ана шундай улус аъёнлари илдизларидан қувват олади. Давлатимиз раҳбари бугун қуйиб-ёниб барчамизни халқ қалбига қўлоқ солишга, одамларнинг дард-ташвишларини астойдил тинглашга, муаммоларни ҳал қилишда амалий ёрдам беришга даъват этаётгани, бу борада айрим катта-кичик амалдорларнинг онгида тошдай қотиб қолган эскича қарашларни таг-томири билан қўпориб, унинг ўрнига халқ талаб ва истаклари асосида ишлар принципларини ҳаётимизда чуқур жорий қилишга қатъият билан ҳаракат қилаётгани буюк шоиримиз айтганидек, кучок очиб халқ ичига бориш, унинг армонларини ушлатириш, орзуларини рўёбга чиқаришдек улус мақсадларга қаратилган.

Раҳбарларга халқнинг ўзи баҳо беради

2016 йил 24 сентябрда Ўзбекистон ҳукумати порталида Бош вазирнинг, виртуал қабулхонаси очилиши мурожаатлар билан ишлаш тизимини бугунги шиддатли XXI аср талабларига мос ҳолда такомиллаштириш имконини берди. Ҳукумат раҳбари билан оддий одамлар ўртасида ҳеч қандай воситачиларсиз тўғридан-тўғри мулоқот йўлга қўйилди. Шу боис ҳам мазкур виртуал қабулхона ишга тушган кунёк мамлакатимизнинг турли жойларидан мингга яқин ариза, шикоят ва таклифлар келиб тушди.

Кўп ўтмай, барчамиз гувоҳ бўлдики, аксарият муаммоларни нисбатан қисқа вақт ичида самарали, энг муҳими, қонун доирасида ҳал қилиш бўлар экан. Бунинг учун хоҳиш ва ирода, ҳаётдаги ўткир муаммоларга тик қарай олиш, уларни бартараф этишининг таъсирчан йўллари топиш талаб қилинади.

Хар қандай давлат раҳбари ҳам адолатсизлик ҳолатлари, халқни қийнаб келаётган оғир муаммоларни рўй-рост кун тартибига қўйиб, “энди, келинлар, вазият шундай экан, дея қўл қовуштириб ўтирмасдан ана шу камчиликларни бартараф этайлик”, деб, бунда аввало ўзи ўрнатган ва намуна бўлиб, жон-жаҳди билан бу ишга киришавермайдими. Бунинг учун инсонда катта юрак, ўз халқи, ўз Ватани тақдири учун масъулият ва жавобгарликни чуқур ҳис этиш туйғуси кучли бўлиши керак.

Виртуал қабулхона очилгунга қадар ҳам мамлакатимизда давлат органларининг “Ишонч телефони”, Ягона интерактив давлат хизматлари портали мавжуд эди. Бу соҳада махсус “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонун қабул қилинган. Лекин, минг афсуски, бу қонун амалда тўла ишламаганини, унинг ижросини назорат қилиш ўз ҳолига ташлаб қўйилганини, аниқроқ, бу масалага иккинчи даражада бир иш сифатида қаралганини бугун очик тан олишга мажбуримиз.

Давлатимиз раҳбари Конституциямиз қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида инсон манфаатларини таъминлаш учун, аввало, одамлар билан мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яхши билиш кераклигини таъкидлар экан, халқимиз дилидаги, жамиятимиздаги оғрикли бир муаммони кун тартибига қўйди: “Биз кейинги пайтда одамлар билан мулоқот қилишни унутиб қўйдик. Уларнинг ичига кириб, очик ва самимий гаплашиш, дардини эшитиш фаолиятимизда, афсуски, охириги ўринга тушиб қолди”.

Шу боис яқин-яқингача аксарият одамлар ўзи яшаётган ҳудудлардаги маҳаллий ҳокимият идоралари раҳбарларини, вазирларни деярли танимасди. Яшириб нима қилдик: кўпчилик катта-кичик раҳбарлар мутаассадлар олдида арз қилиб икки-уч марта қатнаган одамга “ёзувчи”, “аризабоз”, “ифговар” тарзида бошқача кўз билан қарар эди. Албатта, хар қандай жамиятда бўлди-бўлмади ишга дарров шикоят ёзадиган-

лар топилади. Бироқ ора-чора учраб турадиган бундай кимсалар касрига қолган одамларнинг шикоятларини ҳам эътиборсиз қолдириш – жамиятда муаммоларнинг илдизи отиб кетишига сабаб бўлиши аниқ-ку!

Ахир кимдир умид билан ҳоким ё вазирнинг олдида борса-ю, қабулгига кира олмаса, эшигиде ҳафталаб-ойлаб сарғайса, шундан сўнг қўли бирор ишга борадими? Ёшлар-чи? Улар билан ҳеч ким гаплашмаса, кўнглида нима гапи бор – қизиқмаса, уларни ўз “тарбияси”га олишни пойлаб ўтирган сохта тарбиячи, “ҳожатбарор”лар камми?!

Агар биз бугун ёшларимиз, фарзандларимиз тарбияси билан ўзимиз шуғулланмасак, уларнинг қалбига қўлоқ тутмасак, бу иш билан хорижда қармоқ ташлаб ўтирган бошқалар шуғулланади. Бу – ҳаётий ҳақиқат. Уни ортиқча исботлаб ўтиришга ҳожат йўқ.

Яқин-яқингача “Ишонч телефони” ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталига юборилган мурожаатлар аксарият ҳолларда яна келган жойига – қуйи бўғиндаги идора ва раҳбарларга қайтариб юборилар-

жойларга чиқиб, асл ҳолатни ўрганишда, мавжуд хато ва камчиликлардан келиб чиқиб, ўз фаолиятини таҳлилий-танқидий қўриб чиқишга уринмоқда. Барча даражадаги ҳокимлар, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларининг халқ олдида ҳисобот бериш тизими жорий этилди.

Бу учрашувлардан дастлабки ҳулосалар нима? Аввало, одамлар онгида мудраб ётган тафаккур уйғонмоқда, тadbиркорлик ва бунёдкорлик иштиёқи янада кучаймоқда. Улар ўз фикр-мулоҳазалари, ўйлари, дард-ташвишлари, орзу-армонлари ҳатто Президент даражасида қизиқ, муҳим ва аҳамиятли эканини англаб етмоқда. Бугун барчамиз амин бўлдики, жамиятимиздаги асосий муаммо ва камчиликлар қуйи бўғинда – пастда. Илдизлари соғлом дарахт қўққа бўй чўзиб, ҳосил берганидек, ислохотлар ҳам қуйи босқичларда натижа берса, бирники мингга, мингники туманга татийверади.

Энди бир идорада раҳбар бўлишнинг моҳият-мақсади – масалаларни қўғозда ҳал этиш ёки фақат рақамлардан иборат ҳисоботлар тўлдириш эмас, балки ҳаётнинг

Жумладан, кутиш ва фуқароларни қабул қилиш заллари, иш кабинетлари, Она ва бола, тиббиёт хоналари мавжуд. Қабулхоналар ҳуқуқий адабиётлар, зарур маълумотлар ва ахборот технологиялари билан таъминланган. Энг муҳими, улардаги муҳит, имкониятлар, шарт-шароит, мутасаддилар муомаласи одамлар руҳиятига, кайфиятига таъсир қилади. Аслида ҳам мамлакатимизда олиб борилаётган барча ислохотдан мақсад – одамларни ҳаётдан рози қилиш эмасми?

Президентимиз Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги Халқ қабулхоналари фаолияти билан бевосита танишар экан, ташкилий жиҳатларга юқори баҳо берди. Энди уни мазмунан бойитиш, ички маданиятни мустаҳкамлаш зарурлигини, ҳокимлар, прокурорлар, ички ишлар бошқармалари бошлиқлари ва бошқа мутасадди раҳбарлар бу ерда халқ билан мулоқот қилиши, ҳар бир мурожаат ўз ечимини топиши, адолат таъминланаётганини одамлар сезиши, бир сўз билан айтганда, бу масканда адолат овози жаранглаб ту-

Президент девонининг Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати мурожаатлар билан ишлаш устидан тизимли мониторинг ва назорат олиб боради. Бунда Халқ қабулхоналари фаолияти мунтазам ўрганиб борилади, уларнинг ишини янада такомиллаштириш, фуқаролар билан очик мулоқотларни кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар қўрилади.

Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг раҳбарлари, мансабдор шахслари, барча даражадаги ҳокимлар сайёр қабуллар, жумладан, Халқ қабулхоналарида ташкил этиладиган қабулларни мунтазам ўтказиб бориш билан бирга, Хизматга мурожаатлар билан ишлашга оид ўз ҳисоботини тақдим этади. Ўз навбатида Хизмат бу ҳисоботларни ўрганиб, мурожаатларни қўриб чиқиш билан боғлиқ ишлар сифатини, мурожаатлар қўриб чиқилаётганда аниқланган тизимли муаммоларни мунтазам таҳлил қилиб боради. Шунингдек, қойдабузарликлар ва муаммоларни фож этиди, мурожаатларга асос бўлган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлайди, уларни бартараф этиш мақсадида ҳуқуқий қўллаш амалиёти ва амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди, Президентга давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг мурожаатлар билан ишлаш ҳолати тўғрисида мунтазам ахборотлар тайёрлаб киритади, мурожаатларда кўтарилаётган масалаларни акс эттириш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва экспертизадан ўтказишда иштирок этади.

Буларнинг ҳаммасидан қўзланган асосий мақсад – ҳар бир мурожаатнинг ўз вақтида қонуний, самарали қўриб чиқишини таъминлаш, аҳолини ўйлантираётган тизимли муаммо ва масалаларга ечим топиш.

Мурожаат қилишнинг ҳам ўз маданияти бор

Ҳаёт бор экан, инсон бор экан, муаммолар ҳам бўлиши табиий. Шу маънода мурожаатлар билан ишлаш ҳеч қачон кун тартибидан тушмайди. Албатта, одамзотни буткул рози қилиш имконсиз. Бироқ халқимиз эқдиль-ҳамфикр бўлса, муаммоларга тик қараб, уларни бир четдан ҳал қилишга киришсак, ишонинг, адолат ҳаётимизда таъла қарор топади, шикоятлар аста-секин камади. Яъни, адолат бор жойда шикоят бўлмайди. Шу боис ҳаётимиз ўзгариши учун, аввало, ўзимиз ўзгаришимиз керак. Ислохотни ҳар биримиз аввало ўзимиздан бошлашимиз керак.

Аҳолининг ҳуқуқий онгини, ҳусусан, мурожаат маданиятини юксалтириш ҳам долзарб масала бўлиб турибди. Мурожаатлар ичида баъзан соғлом ақлга, оддий мантиққа тўғри келмайдиганлари ҳам учрайди. Хар қандай тараққиёт воситасидан, яратилган имкониятлардан эзгу ё ёвуз мақсадда фойдаланиш мумкин. Шу маънода, “Порталга ёзаман” ибораси фибрибгарлик, кимнидир кўрқитиш, бирор мансабдорга таҳдид қилиш воситаси бўлиб қолмаслиги керак. Халқимиз бежиз “ўйнаб ёзсан ҳам ўйлаб ёз”, демайди. Бир ташкилотга хат битаётган одамда сўз масъулияти, фикр маданияти, маълумотлар учун жавобгарлик ҳисси бўлиши керак.

Мурожаат қилувчилар ўз шикоят-аризалари Президент даражасида қўрилаётганини чуқур англаб етишлари лозим. Чўнки барча шикоятчи ҳам ҳақ бўлавермайди: кимдир шошиб ё адашиб, масаланинг туб мазмунига етиб-етмай, ҳатто нотўғри маълумотлар билан ҳам арз қилади. Хар бир мурожаатни қўриб чиқиш, ўрганиш, таҳлил этишга вақт керак. Агар мурожаатларда кўтарилаётган масалалар муайян ҳудуд, одамлар, умуман, жамиятимиз учун фойдали, адолатли ва ўринли бўлса, нур устига нур.

...Давлатимиз раҳбари ҳаётимизда адолат янада мустаҳкам қарор топиши, хар бир ишнинг халқимиз билан баамаслаҳат амалга оширилиши, инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг амалда таъминланишига хизмат қилдиган аниқ, замонавий тизим ишлаб чиқиб, уни амалиётга татбиқ этиш билан мустақил Ватанимиз тарихида янги даврга, тараққиётнинг янги босқичига асос солмоқда. Президентимизнинг **“Инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш – одабийликнинг энг олий мезонидир”**, деган ҳаётбахш сўзлари бугун Халқ қабулхоналарига кираверишда катта харфлар билан ёзиб қўйилган. Халқ дарди-ташвишлари билан ёнаётган беором қалб тубидан отилиб чиққан бу хароратли сўзлар ўзининг, оиласининг, бутун эл-юртимиз, бугунги ва келажак авлодлар тақдирига бефарқ бўлмаган хар бир юртдошимиз учун ҳаётий аъмолга, эзгу вазифага айланиши шарт. Ўзбекистонимиз тараққиётнинг янада юксак чўққиларини забт этиши учун бугун ҳаётнинг ўзи барчамиздан Президентимиз атрофида янада жипслашиб, уйғоқ виждон билан яшашни, қатта гайрат ва шижоат билан ишлашни талаб қилмоқда.

Бошқача яшашга ҳаққимиз йўқ. Бунга ҳаётнинг ўзи йўл қўймайди.

ЎЗА



ди. Бу мурожаат янада пастга – яқинда ишга олинган ва таърибасиз ҳодимнинг чекига тушган, аҳолини ўзингиз тасаввур қилаверинг. Аҳоли қуйи бўғиндаги айрим раҳбарлар қилмишидан арз қилса-ю, бу мурожаат қўриб чиқиш учун яна уларнинг ўзига бориб тушса, оддий фуқаро додини кимга айтиши, қайси остопага бош уриб бориши керак? Ахир у амалдордан ош-нон сўраётгани йўқ-ку! Унинг талаби, хоҳиш-истаклари жуда оддий, ҳаётий талаблар. Энг муҳими, аксарият ҳолларда улар ҳақли ва адолатли талаблар.

Сўв томиб-томиб тошни емиради ё занг аста-секин хар қандай мустаҳкам пўлатни ҳам қиритади. Шу маънода аҳоли мурожаатлари ўз вақтида қонуний ва самарали ҳал қилинмаса, улар йиғилиб-йиғилиб, ўткир ижтимоий-иқтисодий муаммоларни келтириб чиқариши мумкинлигидан кўз юмиб бўлмайди.

Мурожаат, ариза, шикоят нима ўзи? Бу – халқ, жамият қандай нафас олаётганини яққол намоён этадиган қайсар индикатори.

Шавкат Мирзиёев Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VIII съезидидаги “Демократик ислохотларни изчил давом эттириш, халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш – барқарор тараққиёт қафолатидир” номли маърузасида “халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қиладиган вақт келди. Бундан кейин жойлардаги раҳбарлар фаолиятига биринчи навбатда улар бошқараётган ҳудуддаги аҳолидан тушаётган мурожаатлар сони, уларнинг халқ ичида юриши, мавжуд муаммоларнинг амалий ечимига қараб баҳо берилади. Қисқа қилиб айтганда, раҳбарларга халқнинг ўзи баҳо беради”, деб таъкидлади.

Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2017 йилни юртимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қиларкан, “давлат органларининг фуқаролар билан ўзаро муносабатлари юзасидан ёндашувни тубдан қайта қўриб чиқиш зарур. Бу борада аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, уларни қийнаётган муаммоларни ҳал этишининг янги механизмлари ва самарали усуллари жорий этишимиз даркор”, деб уқтириб ўтди.

Мана, кўп ўтмай, халқимиз бу ғоя ва ташаббусларнинг амалий натижаларини ўз ҳаётида кўрмоқда, сезмоқда: давлатимиз раҳбари барчага ўрнатган кўрсатиб, ҳудудларга сафарлари давомида чекка қишлоқ ва овулларгача кириб бориб, ижтимоий соҳа объектлари, оддий одамлар хонадонларида бўлиб, юзга келган реал вазият, аҳолининг турмуш шароити билан яқиндан танишмоқда, муаммоларни бартараф қилиш бўйича тегишли кўрсатмалар бермоқда. Бугун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сенаторлар, давлат органлари раҳбарлари ва масъул ходимлари ҳам

мавжуд аччиқ ҳақиқатларига юзма-юз келиб, реал воқеликнинг шиддатли тўлқинида ёниб-қуйиб ишлаш эканини барча тўла тушуниб олиши керак.

Яна бир масала: хориждаги ва ичкаридаги айрим “дўст”ларимиз Виртуал қабулхона ташкил этилган, “бу тизим Президент сайловидан сўнг ўз-ўзидан унутилади”, деб “башорат” қилган, бунга хатто сайловолди “пиар”и тарзида талқин этган ҳолатлар ҳам учради. Бироқ амалда бунинг тамомиласи акси бўлди. Президент Шавкат Мирзиёев бир ишни бошлади, охирига етказиш учун барча имкониятни ишга солиши, ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам бирдай тер тўкиб меҳнат қилишга мажбур қилиши, ишламаганга қўямаслиги, яқинда, бир кун келиб, барча раҳмат айтиши – буларнинг барчасини халқимиз, жамоатчилигимиз яхши билади. Билмаганлар билиши керак бўлган ҳақиқат оддий: давлатимиз раҳбари бу соҳада наинки бугун ёки эртанги кун учун мўлжалланган, балки узоқ истиқболда мамлакатимизда барча тармоқдаги муаммоларни тез ва самарали ҳал қилишнинг янги ва замонавий механизмлари ҳаётимизда татбиқ этилмоқда. Бу бир-икки йиллик мақсад эмас, ижтимоий адолатни ҳаётда таъминлашнинг узоқ йиллик стратегиясидир.


Пухта, аниқ ва амалий механизм

Президентимизнинг 2016 йил 28 декабрда қабул қилинган “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати, Президент девони ишлар бошқармасининг Фуқаролар қабулхонаси негизда Президентнинг Халқ қабулхонаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, хар бир туман ва шаҳарда Президентнинг Халқ қабулхоналари, Президентнинг виртуал қабулхонаси ташкил этилди.

Мазкур тузилмалар бир-бири билан ўз-ўй боғлиқ ҳолда ишлайди.

Бунда Виртуал қабулхонанинг ишлаш шакли ва услуби ўзгармаган: мурожаатларни 0-800-210-00-00 ёки 10-00 қисқа рақамларига кўнғироқ қилиш, rtm.gov.uz манзилидаги махсус мурожаат шаклини тўлдириш орқали юбориш мумкин. Мамлакатимизнинг барча туман ва шаҳарларида Халқ қабулхоналари ҳафтада беш кун 9.00 дан 18.00 гача танаффуссиз фаолият кўрсатади. Барча Халқ қабулхоналари ягона андоза ва тартиб бўйича ишлайди, ҳамма бўғиндаги қабулхоналар бир хил мавқега эга, яъни, улар Президентнинг ҳудудлардаги вакиллиги ҳисобланади.

Айни пайтда Халқ қабулхоналари жойлардаги энг замонавий биноларда иш бошлади. Бу ерда жисмоний ва юридик шахслар учун қўлай шарт-шароитлар яратилган.



Спорт янгилклари

ЎЙИНЛАРГА КИМЛАР ҲАКАМЛИК ҚИЛАДИ?

Футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси турнирининг гуруҳ босқичи беллашувлари бошланиб кетганидан мухлисларнинг хабари бор албатта.

Ушбу нуфузли турнирда юртимиз шарафини пойтахтимиз жамоалари – “Локомотив” ва “Бунёдкор” ҳимоя қилишмоқда.

Осиё чемпионлар лигаси гуруҳларидаги 2-тур беллашувлари 27-28 февраль кунлари бўлиб ўтади. Ушбу турда “Локомотив” БААнинг “Ал-Ахли” клубини Тошкентда қабул қилади. Ўйинни ФИФА рефериси хитойлик Минг Фу бош ҳакам сифатида бошқарса, қанотларда унга ҳамюртлари Вейминг Хуо ва Йи Чао ёрдам беришади.

Шунингдек, ОЧЛ турнирининг “С” гуруҳида қатнашаётган “Бунёдкор” “Ал-Айн” клуби билан Тошкентда куч синашади. Ўйинга австралиялик рефери Жарред Жилет бош ҳакам этиб тайинланган бўлса, унга қанотларда ҳамюрти Эшли Бичам ва Бахрайн мамлакати вакили Ёсир Абдулла Тулефат ёрдам беради.

Миллионлар ўйини – футбол ривожига мутахассисларнинг малакаси ошиши ниҳоятда муҳим.

МУРАББИЙЛАРНИНГ МАҲОРАТЛАРИ ОШАДИ

Шу боис ҳам кейинги йилларда Ўзбекистон футбол федерацияси ҳамда Осиё футбол конфедерацияси ҳамкорликларида мураббийларнинг малакасини ошириш мақсадида тез-тез ўқув курслари ташкил этилмоқда.

Пойтахтимизда Ўзбекистон футбол федерацияси ҳамда Осиё футбол конфедерацияси ҳамкорликларида уюштирилган Level 1 ўқув курсларида дарвозабонлар мураббийлари

иштирок этишди. Жараёнга ОФК инструкторлари ҳамда Ўзбекистон футбол федерацияси мутахассислари бошчилик қилишди. Унда иштирокчиларга футбол оламидаги сўнгги янгилклар, қоидалар, дарвозабонлар мураббийлари учун зарур маълумотлар берилди. Ўқув курсларида тахсил олган дарвозабонлар мураббийларига Level 1 сертификати тақдим этилди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Гулнора Толибова (исм-шарифлар ўзгартирилган) 2008-2009 йилларда пойтахтимизда жойлашган гузаллик саломида ишлаган чоғларида, унинг олдига мижоз сифатида Ойсулов Бойтўраева келиб турарди. Гузаллик саломида ишдан бўшагандан сўнг Ойсуловни умуман кўрмай кетганди. 2015 йил ноябрь ойларида катта опасининг ўғлининг никоҳ тўйида яна Ойсуловни кўриб қолди. Улар анча гаплашиб ўтиришди. Гулнора озик-овқат дўкони очиб ишлаётганини айтса, Ойсулов одамларга виза карта қилиб, шундан пул топаётгани, агар керак бўлса, сенга ҳам қилиб беришим мумкин, деди гапининг орасида. Улар хабарлашиб туриш мақсадида хайрлашди.

2016 йил февраль ойининг бошлари эди. Бир кун Ойсулов “Спарк” автомашинасида таниши Акмал билан Гулноранинг олдига борди.

– Яхшимисан, – салом-алик қилди Ойсулов.

– Раҳмат, ўзинг қалай, – деди Гулнора.

Улар бироз сўхбатлашиб ўтиришди.

– Ишларим яхши, аввал айтганимдек банкдан виза карта очдириб, тирикчилик қилаётман, – деди Ойсулов. – Агар хоҳласанг сенга ҳам қилдириб бераман. 500 АҚШ доллари фойда қилсан, – деди.

– Вой пулни қаердан оламан? – деди Гулнора таажубланиб.

– Биронтасидан олиб тур, зарар қилмайсан, – гапига ишонтиришга ҳаракат қилди Ойсулов.

Улар бир неча бор кўришишди. Ойсулов ўзининг бизнеси ҳақида гапираркан, Гулнорани ҳам ўзига ишонтириб олди.

– 1000 АҚШ доллари берсангиз узоғи

унинг машинасига ўтиришди.

– Иктиёр, бу танишим Гулнора, тилларини фоизга қўймоқчи, шунга сенинг ёрдаминг керак, – деди Ойсулов.

Иктиёр тарозчасида Гулнора узатган тилларини тортиб кўрди. Тилларнинг оғирлиги 59,5 грамм чикди. Иктиёр Гулнорадан тилларини олиб қўлиб, унга 1000 АҚШ доллари берди. Ойига 6 фоизга ошиб боришини айтди.

Қилмиш-қидирмиш

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

билан 10-15 кунда 1500 АҚШ доллари қилиб қайтараман, – деди Ойсулов

Гулнора уйдаги тилларини сотиб, виза карта олиб, 500 АҚШ доллари даромад қилса, онасининг 300 АҚШ доллар карзини ҳам узиши ҳақида ўйлаб, Ойсуловнинг таклифига рози бўлди.

4 февраль кунги тушлукдан сўнг улар Ойсулов уйини таниши Акмал билан “Спарк” автомашинасида Сергелидаги таниши Иктиёрнинг олдига йўл олишди. Иктиёр уларни “Кобальт” русумли машинада кутиб олди. Ойсулов ва Гулнора

2000 АҚШ доллари ҳисобидида виза карта олиш учун 5 млн. 800 минг сўм сарфлаш керак эди.

Гулнора Ойсуловга 950 АҚШ доллари ва савдодаги пулдан 48 минг сўм олиб берди. Ойсулов пуллари олган, таниши Акмалнинг машинасига ўтириб жўнаб кетди...

Орадан 2 кун ўтиб, Ойсулов билан гаплашса, хавотир олмаслигини, пулни банкка топширганини, бир ҳафтада жавоби бўлишини айтди.

Аммо орадан 20 кунларча чамаси вақт

ўтдики, Гулнора виза картага эга бўлмади. Ойсулов бу маблағларни ўз эҳтиёжига сарфлаб юборганди.

Ойсулов уни хар хил баҳоналар билан алдаб юрди. Кейинчалик телефонини ҳам кўтармай қўйди. Охири бу ҳақда Гулнора турмуш ўртоғи Ботирга айтишга мажбур бўлди. Эр-хотин маслаҳатлашиб, бу пулни ички ишлар идоралари орқали қайтаришни маъқул, деб топишди.

Олиб қилинган шикоятлар натижасида борибгарлиш жиноятини содир этиб юрган Ойсулов Бойтўраева қўлга олинди. Ойсулов Бойтўраевага нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Унинг айби гувоҳларнинг кўрсатмалари, далиллар билан ўз исботини топди.

Ойсулов Бойтўраева Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси, 2-қисмининг “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганлигидан айбдор деб топилди. Унга иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди. Г. Толибовага келтирилган зарар тўлиқ қопланди.

Алишер КАРИМОВ,
Миробод тумани прокурори ўринбосари

Миробод туманидаги 147-умумий ўрта таълим мактабида “Камолот”дан қарат” тўғраги ташкил этилганининг бир йиллиги муносабати билан мусобақа ташкил этилди. Унда 5 та жамоа яъни, 6 ёшдан 16 ёшгача 100 нафардан ортиқ болалар ва ўсмирлар қатнашди.

ЁШЛАР САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Мусобақа ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга кўмаклашиш, ёшлар ўртасида спортни кенгроқ тарғиб қилиш ва оммавийлаштириш, уларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, маҳаллаларда истиқомат қилувчи ёшлар ўртасида ўзаро маданий-спорт алоқаларини йўлга қўйиш мақсадида ташкил этилди.

“Камолот” ЕИХ Миробод туман ҳокими, Вазирлиқ Кенгаши раиси қарорига асосан тумандаги 147-умумий ўрта таълим мактабида ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандлари учун бепул “Камолот”дан қарат” тўғраги ташкил қилинган. Ҳозирги кунда тўғрақда 60 дан ортиқ ёшлар спорт билан шуғулланиб келишмоқда.

– Мамлакатимизда спортни оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар негизда халқимиз, айниқса, ёшларимизнинг са-

ломатлигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, “Фарзандлари соғлом юрт – қудратли бўлур, қудратли элнинг фарзандлари соғлом бўлур” деган эзгу ғоя муҳассамдир, – дейди тўғрақ мураббийи А.Ҳасанов. – Ёшларни жисмонан ва маънан соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган шахслар сифатида тарбиялаш учун мамлакатимизда яратилаётган кенг имкониятлар ва шaroитлар, уларнинг эзгу интилишларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилаётган эътиборнинг ёрқин тасдиғидир. Спортга меҳр қўйган ёшларга устозлик қилаётганимдан жуда мамнунман. Ҳаётдаги мақсадим келажақда юртим учун фойдаси тегадиган етук ёшларни тарбиялашдан иборат.

Мусобақада ўзининг эпчиллигини намойён этган голиб ёшлар медаль ва дипломлар билан тақдирландилар.

Зарина РУСТАМОВА

Бектемир туманидаги 293-ўрта умумтаълим мактабида Тошкент шаҳар “Ватанпарвар” ташкилоти тасарруфидидаги ташкилотлар ўртасида спортнинг авиамодель турининг хона авиамодель йўналиши бўйича ўсмирлар ўртасида Тошкент шаҳар чемпионати бўлиб ўтди.

СПОРТ БИЛАН ҲАМНАФАС ЎСМИРЛАР

Ўсиб келаётган ёш авлодни жисмонан бақувват, маънан соғлом бўлишлари учун республика миқёсида қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган мусобақаларнинг якуний натижаларига қўра жамоалар ўртасида 1-ўринни “Ватанпарвар” ташкилоти “Яккасарой ЎСТК” унитар корхонаси жамоаси эгаллади. 2-ўрин “Ватанпарвар” ташкилоти “Мирзо Улуғбек ЎСТК”, 3-ўрин “Чилонзор ЎСТК” унитар корхона спортчиларига насиб этди. Шунингдек, бошқа қатнашчилар ўртасидан

спортчилардан қуч ва абжирликни, шу билан бир қаторда ўта зийракликни ҳам талаб этади. Якка тартибда ва жамоавий йўналишда ташкил этилган мусобақаларнинг якуний натижаларига қўра жамоалар ўртасида 1-ўринни “Ватанпарвар” ташкилоти “Яккасарой ЎСТК” унитар корхонаси жамоаси эгаллади. 2-ўрин “Ватанпарвар” ташкилоти “Мирзо Улуғбек ЎСТК”, 3-ўрин “Чилонзор ЎСТК” унитар корхона спортчиларига насиб этди. Шунингдек, бошқа қатнашчилар ўртасидан

ҳам голиблар аниқланди. Голиблар эсдалик совғалари ва диплом билан тақдирланди.

Хулоса сифатида шунини айтиш жоизки, Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти спортнинг техник ва амалий турларини ёшлар ўртасида ривожлантириш, спортчиларимизнинг бу борада эришаётган ютуқлари билан уларда юксак ғурур ва ифтихор туйғуларини шакллантиришга катта эътибор қаратмоқда.

Зиёда РАСУЛОВА

Реклама ва эълонлар

“AUTO GARANT BUSINESS”
МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ
бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

2017 йил 4 апрель кунини соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 16.11.2016 йилдаги №2-573/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган 2005 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 К 052 МА бўлган “Матиз” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 16 970 000 сўм. 2. Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 04.11.2011 йилдаги №5037-38/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 30 З 5427 бўлган “NISSAN ALTIMA” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 96 737 500 сўм.

2017 йил 23 март кунини соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситалари ва мол-мулк такоран қўйилмоқда: 1. Тошкент шаҳар Юнусобод тумани СИБ томонидан 20.10.2010 йилдаги 42421/22-сонли ижро варақасига асосан хатланган 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 344 ААА бўлган “ИЖ 27175035” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 28 786 000 сўм. 2. Тошкент шаҳар Миробод тумани СИБ томонидан 16.02.2015 йилдаги №2123-24/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган Тошкент шаҳри, Сергели тумани “Истеъмолад бўлган транспорт воситалари ва эҳтиёт қисмлар” МЧЖнинг махсус ажратилган жойда сақланаётган (мўлжал Сергели машина бозори) 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 30 К 988 СА бўлган Эпика русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 39 256 200 сўм.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-йи манзилида бўлиб ўтади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари ва мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар кунини (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати 2017 йил 4 апрель кунинидаги аукцион савдоси учун 2017 йил 31 март кунини соат 16.00, 2017 йил 23 март кунинидаги аукцион савдоси учун 2017 йил 20 март кунини соат 16.00. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизини миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – “Auto Garant Business” МЧЖнинг “ASIA ALLIANCE BANK” АТБ Мирзо Улуғбек тумани филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 2020 8000 9048 8730 5001, МФО: 01103, СТИР: 301 829 804. Аукцион голиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк кунини мобайнида тўлагичига тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-йи. www.agb.uz. Телефон: (371) 233-61-44, (95) 146-61-44.

Гувоҳнома 004593.

“REALTOR GARANT BUSINESS”
МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич
ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

2017 йил 23 март кунини соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги кўмас мулклар такоран қўйилмоқда: 1. Тошкент шаҳар Юнусобод тумани СИБ томонидан 21.01.2013 йилдаги № 425-сонли ижро варақасига асосан хатланган Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Коронкул кўчаси, 84-йи манзилида умумий фойдаланиш майдонини 1448 кв. м. бўлган турар жой. Бошланғич баҳоси: 357 973 000 сўм. 2. Тошкент шаҳар Юнусобод тумани СИБ томонидан 03.06.2013 йилдаги № 16556-сонли ижро варақасига асосан хатланган Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, А.Темур шох кўчасида жойлашган Ойди бозори савдо мажмуаси 2-қаватда жойлашган умумий майдонини 125 кв.м.дан иборат бўлган савдо дўкони. Бошланғич баҳоси: 786 801 556 сўм.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-йи манзилида бўлиб ўтади. Юқоридаги кўмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар кунини (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланғичи бир иш кунини қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар мулкнинг бошланғич баҳосининг 10 фоизини миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – “REALTOR GARANT BUSINESS” МЧЖнинг ХАТБ “Universal bank” Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 2020 8000 5049 3605 0001, МФО: 00996, СТИР: 207 125 885. Аукцион голиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк кунини мобайнида тўлагичига тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-йи.Телефон: (8371) 233-09-38. www.rgbusiness.uz.

Лицензия: РА-0052.

Миробод тумани ҳокимлиги томонидан 2008 йил 4 февралда 003026-03-сонли реестрга рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги ПН-4966-сонли Фармонида асосан тугатилганлиги билан, муассасага нисбатан эътирозлар бўлса эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой давомида Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Авлиё ота кўчаси, 124-уйга ёқни 215-73-08, 215-73-13, 215-73-16 телефон рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин.

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 1 март кунини ҳаво ўзариб туради, кунини исқини ярида ёмғир ёғади. Шарқдан гарба томон секундида 5-10 метр тезликда, қулайан ҳолда секундида 12-17 метр тезликда шамол бўлади.

эсади. Ҳарорат кечаси – 4-6, кундузи – 9-11 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг маълумотида кўра, 1 мартда Тошкент шаҳрининг ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратмади, ифросаниш даражаси паст бўлади.

Тошкент оқшоми

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г- 235

МАНЗИЛИМИЗ: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбўтчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбўот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
12148 нускада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 14.15